



International Congress on Biological, Physical And Chemical Studies

International Congress on Biological, Physical And Chemical Studies - is an international conference platform under open access policy. The conference is led by international expert members who take an objective approach to peer review, ensuring each research paper is reviewed, edited by authors and evaluated on its own scholarly merits and research integration. Publishing and joining on the proceeding of the International Congress on Biological, Physical And Chemical Studies will ensure publishing experience and indexing possibilities on various global indexing.

Минерал Ва Органо-Минерал Ўғитларнинг Тупроқдаги Азот Миқдорининг Ўзгаришига Таъсири

Хусанов Сардорбек Олимжонович

к.х.ф.ф.д., доцент

Мамадинов Аҳроржон Давлатали ўғли

Талаба, Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti. Andijon tumani., O'zbekiston, e-mail: xusanovs600@gmail.com

Аннотация:

В статье рассматривается влияние рудных и органоминеральных удобрений, вносимых в различных нормах, на изменение количества азота в почве.

Ключевые слова: Почва, органоминеральные удобрения, почвенный запас, азот в почве, минеральные удобрения, органические удобрения.

Азот цитоплазманинг ва хужайра ядросининг асосий таркибий қисми бўлган оксиллар таркибига, нуклеин кислоталар, хлорофилл, ферментлар, фосфатидлар, кўпчилик витаминлар ва ўсимликлар модда алмашишини жараёнларида муҳим рол ўйнайдиган бошқа азотли органик бирикмалар таркибига киради.

Муҳит реакцияси нейтрал бўлса аммиак азотини ўсимликлар нитрат азотига қараганда яхши ўзлаштиради. Са Mg ва К миқдорининг кўп бўлиши аммиак азотининг яхши ўзлаштиради. Тупроқ таркибида фосфор этарли бўлса нитрат азоти яхши ўзлаштирилади.

Андижон вилояти Избоскан тумани “Бойтўра ҳосил барака” фермер хўжалигининг ўтлоқи тупроқлари шароитида «Маъданли ва органоминерал ўғитлар қўллашнинг тупроқни унумдорлигига таъсирини ўрганиш» мавзусида 2021-2023 йилларда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Илмий изланишларимизнинг вазифаларидан бири “Такрорий экин кунгабоқарда турли меъёрларда қўлланилган маъданли ва органоминерал ўғитларни тупроқнинг агрокимёвий хоссаларига таъсири ўрганиш ҳисобланади.

Илмий изланишлар ЎзПТИИ да қабул қилинган “Методика полевых опытов с хлопчатником” (1981), “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007), бўйича услубий қўлланмаларига риоя қилинган ҳолда ўтказилди.

Магистрлик диссертатсия мавзуси бўйича қўйилган масалаларни далада ўрганиш учун Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқлари танланди. Тажрибаларда кунгабоқарнинг Янги

замон нави, 12 вариант, 4 та такрорланишда синалади. Суғориш меъёрлари суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-75 % да олиб борилади, бўлакчалар бир қаторга (ярусда) жойлаштирилади. 1 та бўлакчанинг умумий майдони 240 м², ҳисобий майдон 120 м². Тажриба тизими 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал Тажриба тизими

№	Кунгабоқар нави	Қўлланилган органоминерал ўғит, т/га	Қўлланилган (NPK) миқдорлари, кг/ га
1.	Янги замон	-	
2.		10 тонна	
3.		15 тонна	
4.		20 тонна	
5.		-	
6.		10 тонна	N-60, P-90, K-60
7.		15 тонна	
8.		20 тонна	
9.		-	N-100, P-90, K-60
10.		10 тонна	
11.		15 тонна	
12.		20 тонна	

2021-йилда олиб борилган турли меъёрларда қўлланилган маъданли ва органоминерал ўғитларнинг тупроқдаги азот миқдорининг ўзгаришига таъсири изланиш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Дала тажрибаларини бошлашдан олдин дастлабки азот билан таъминланганлиги тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см ли қатламларида тегишлича 20,6 ва 12,4 мг/кг ни ташкил қилди.

Мавсум охирига келиб маъданли ва органоминерал қўлланилмаган биринчи вариантда, тупроқ қатламларига тегишлича ўртача 3,2; 1,3 мг/кг га, 10 тонна органоминерал ўғит қўлланилган 2 вариантда 2,0; 1,1 мг/кг га, 15 тонна органоминерал ўғит қўлланилган 3 вариантда 1,4; 0,9 мг/кг га камайди, 20 тонна органоминерал ўғит қўлланилган 4 вариантда эса тупроқнинг 0-30 см қатламида 0,2 мг/кг га ортиб, 30-50 см қатламида 0,3 мг/кг га камайди.

Фақат маъданли ўғитларнинг N₆₀, P₉₀, K₆₀ кг ҳисобига кунгабоқар паваришланган 4 вариантда тупроқ қатламларига тегишлича ўртача 3,0; 1,1 мг/кг га, маъданли ўғитларнинг N₆₀, P₉₀, K₆₀ кг меъёрларига қўшимча равишда 10 тонна органоминерал ўғит қўлланилган 5 вариантда 0,6; 0,9 мг/кг га, 15 тонна органоминерал ўғит қўлланилган 7 вариантда 0,1; 0,7 мг/кг га камайди, 20 тонна органоминерал ўғит қўлланилган 8 вариантда эса тупроқнинг 0-30 см қатламида 0,4 мг/кг га ортиб, 30-50 см қатламида 0,1 мг/кг га камайди.

Фақат маъданли ўғитларнинг N₁₀₀, P₉₀, K₆₀ кг ҳисобига кунгабоқар паваришланган 9 вариантда тупроқ қатламларига тегишлича ўртача 2,2; 0,3 мг/кг га, маъданли ўғитларнинг N₁₀₀, P₉₀, K₆₀ кг меъёрларига қўшимча равишда 10 тонна органоминерал ўғит қўлланилган 10 вариантда тупроқнинг 0-30 см қатламида 0,2 мг/кг га ортиб, 30-50 см қатламида 0,1 мг/кг га камайди, 15 тонна органоминерал ўғит қўлланилган 11 вариантда эса тупроқ қатламларига тегишлича ўртача 0,7; 0,1 мг/кг га, 20 тонна органоминерал ўғит қўлланилган 12 вариантда 1,2; 0,7 мг/кг га ортанлиги аниқланди.

Дала тажрибаларимизда маъданли азотли ўғитнинг меъёрларини ортиши тупроқдаги азот миқдорининг ўзгаришига таъсир этганлиги кузатилди. Маъданли азотли ўғит ва органоминерал ўғитларнинг меъёрининг ортиб бориши билан азотнинг тупроқдаги миқдори ортанлиги аниқланди.

2-жадвал Турли меъёрларда қўлланилган маъданли ва органоминерал ўғитларни тупроқдаги азот миқдорининг ўзгаришига таъсири. мг/кг 2021 йил.

№	Қўлланилган органоминерал ўғит, т/га	Қўлланилган (NPK) миқдорлари, кг/ га	Тупроқ қатлами, см	Азот миқдори, мг/кг
Мавсум бошида 2021 йил				
	-	-	0-30	20,6
			30-50	12,4
Мавсум охирида 2021 йил				
1.	-		0-30	17,4
			30-50	11,1
2.	10 тонна		0-30	19,8
			30-50	11,3
3.	15 тонна		0-30	20,3
			30-50	11,5
4.	20 тонна		0-30	20,8
			30-50	12,1
5.	-	N-60, P-90, K-60	0-30	17,6
			30-50	11,3
6.	10 тонна	N-60, P-90, K-60	0-30	20,0
			30-50	11,5
7.	15 тонна	N-60, P-90, K-60	0-30	20,5
			30-50	11,7
8.	20 тонна	N-60, P-90, K-60	0-30	21,0
			30-50	12,3
9.	-	N-100, P-90, K-60	0-30	18,4
			30-50	12,1
10.	10 тонна	N-100, P-90, K-60	0-30	20,8
			30-50	12,3
11.	15 тонна	N-100, P-90, K-60	0-30	21,3
			30-50	12,5
12.	20 тонна	N-100, P-90, K-60	0-30	21,8
			30-50	13,1

Adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 14 martdagi PQ-2832-sonli “2017-2021 yillarda respublikada soya ekini ekishni va soya doni yetishtirishni ko‘paytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori.
2. Xusanov S, Xatamov S “Turli sug‘orish tartiblarida takroriy ekin sifatida parvarishlangan soya tajriba dalasining suv sarfi” «AGRO ILM» jurnali 6-son (77), 2021 yil, 88-89 betlar.
3. Xusanov S “Turli sug‘orish tartiblarini soyaning “To‘maris” navini hosil elementlari va don hosildorligiga ta’siri” «Academic research in educational sciences» jurnali 2-son (6), 2021 yil, 1311-1315 betlar.